

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХИ: XX АСРНИНГ 90 ЙИЛЛАРИ ВА 2000 ЙИЛЛАРИДА КОРХОНАЛАРНИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ

Шохруз Шарипов Фахриддин ўғли

Фанлар академияси Тарих институти кичик илмий ходими, Тошкент, Ўзбекистон.

Тел: +998931411704

Shohruz.sharipov.94@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8219872>

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизда XX асрнинг 90 йиллари ва 2000 йилларида амалга оширилган хусусийлаштириш сиёсатининг ўзаро фарқли томонлари ва ўхшашликлари таҳлил қилинган. Ушбу мақола сўнгги йилларда чоп этилган хорижий ва маҳаллий адабиётлар ва архив манбалари асосида ёзилган.

Калит сўзлар: Хусусийлаштириш, миллийлаштириш, шахсий мулк, жамоа мулки, уй-жой фонди, кооперация.

Ҳиссадорлик давлат корхоналарини самарали ва кенг тарқалган шакли эканлигини чет эл тажрибаси кўрсатмоқда. Республикада бу жараён истеъмол бозорига хизмат кўрсатадиган, ҳамда саноатнинг ўзак тармоғига оид корхоналарга та’аллуқли эди. Бундай ҳолатда ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш нисбатан самарали ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳиссадорлик жамиятларини оммавий ташкил этиш 1994-1995 йилларда бошланиб, 1996 йилда тамомланди¹. Бу даврда 4000 та йирик ва ўрта давлат корхоналари ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ороқали хусусийлаштирилди. 2003 йилда ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларининг 1200га яқини ўз фаолиятини давом эттирди. Ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятлари сонининг қисқаришига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилнинг 24-январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳиссадорлик жамиятларининг устав жамғармаларини қайта ташкил этилганлиги сабаб бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ устав жамғармаси 50 минг АҚШ долларидан кам бўлган ҳиссадорлик жамиятлари ҳиссадорларнинг ялпи йиғилиши қарори билан бошқа мулк шакллари, асосан Ма’сулияти Чекланган Жамиятлар ҳамда хусусий корхоналарга айлантирилди. Ҳиссадорлик жамиятларининг бир қисми эса банкрот ҳолатга тушганлиги муносабати билан тугатилган. Ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарнинг мулкдорлари меҳнат жамоаси а’золари, ташқи сармоядорлар, жумладан, чет эл сармоядорлари ҳамда давлат ҳисобланади. Шу билан бир қаторда кўпгина ҳиссадорлик жамиятларининг чет эл сармоядорларига сотиш учун мўлжалланган акциялари 2003 йил ҳолатига кўра, сотувга чиқарилмаган. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири уларнинг сармоявий жозибадор эмаслигидадир. «Ўзбекенерго» ДАК, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзбекистон темир ё’ллари» ДТЙАК, «ЧНТАИЧБ» ДАЖ ва бошқа республикамиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар акциялар пакетининг

¹ Беркинов Б.Б. Хусусийлаштириш босқичлари. // «Биржа» газетаси. – Тошкент, 2006. – №30.

салмоқли қисми давлат тасарруфида сақлаб қолинди². 2000 йилдан бошлаб миллий иқтисодиётнинг ўзак тармоқларига чет эл сармояларини жалб қилиш ҳисобига хусусийлаштиришнинг кенг қамровли дастури амалга оширилди. Биргина 2002 йилда чет эл сармоядорларига 30 млн. АҚШ долларида ортиқ маблағга тенг бўлган акциялар ва иншоотлар сотилиб, бу кўрсаткич 2001 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп бўлди. Республикада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига чет эл сармоядорларини жалб этиш учун қонуний-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилган³. Бироқ, жалб қилинаётган чет эл сармояларининг миқдори кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш, технологик ва ижтимоий талабларини қондиришга етарли эмас эди. Бу эса ўз навбатида мазкур муаммога янгича ёндошувни талаб этарди. Давлат мулкани хусусийлаштиришга чет эл сармоясини жалб қилишни янада такомиллашишига 2003 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижобий таъсир қилди. Натижада Республика фонд бозорида чет эл сармоя-дорлари ва сармоялари улуши сезиларли даражада ортиди. Сармоялар биринчи навбатда тоғ-кон, озиқ-овқат, тўқимачилик, нефт-кимё ва пахтани қайта ишлаш тармоқларига ҳамда телекоммуникация соҳаларига йўналтирилди. 2003 йилда бирламчи фонд бозорида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг кўп қисми (70,2%) чет эл сармоядорларига сотилди, бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 42,7% даражага кўп демакдир. Хорижий сармоядорлар билан тузилган шартномалар миқдори 7 баробар кўпайди. Хорижий сармоядорларга акциялар сотилган корхоналар сони ҳудди шу даврда 1.8 баробар ортиди. Улар орасида «Юктранс» АЖ, «Қўқон суперфосфат заводи» АЖ, «Тошмарег» АЖ, «Хоразм Автомобил Ишлаб Чиқариш Бирлашмаси» ОАЖ ва бошқалар бор. Хорижий сармоядорлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар қиймати 2002 йилга нисбатан 1,4 баробар ортиди⁴.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича инвесторлар зиммасига олган инвестетсия мажбуриятлари эвазига давлат тасарруфидан чиқарилган корхона ва объектларга инвестетсияларни жалб этиш динамикаси⁵

Худуд	2005		2006		2007	
	минг Ақш долл.	млн сўм	минг Ақш долл.	млн сўм	минг Ақш долл.	млн сўм
Ўзбекистон Республикаси	16194	16440,8	18388	13217.5	30679.5	26614.4
Шу жумладан						
Қорақалпоғистон Республикаси		1274.9	1839	384		320.6
Андижон	97	705.2	100	272.6	100	2345.2

² Беркинов Б.Б., Хамрахуджаев Н.Я. Хусусийлаштиришнинг стратегик вазифалари ва уни амалга оширишнинг асосий натижалари. / Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида: Илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2007. – 185 б.

³ Беркинов Б.Б. Хусусийлаштириш босқичлари. // «Биржа» газетаси. – Тошкент, 2006. – №30

⁴ O'zbekiston iqtisodiyoti Tashkent "O'zbekiston" 2006 -B.78

⁵ Davlat aktivlarni boshqarish agentligi ma'lumotlari asosida

Бухоро	30	1028	1551	1020	1000	1022.2
Жиззах		151		28.5	49	45.2
Қашқадарё		2339.1		1127.4		1242
Навоий		1507.9	169	1507.3	1030	2127.6
Наманган		1175.6		121	4282	355.6
Самарқанд	3366	631.5	4000	84.2	4280	663
Сирдарё		968.4		359.7		255.5
Сурхондарё		493.4		59	5317.5	316.5
Фарғона	362	671.3	500	190.3	557	820.9
Хоразм		1420.2	1622	3957.9	300	11495
Тошкент вилояти	2986	525.7	3325	1353.7	4167	1902.5
Тошкент шаҳри	9353	3548.6	5282	2751.5	9597	3702

Чет эл сармояларини жалб қилиш хусусийлаштирилган корхоналарга ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш, янги рақобатбардош маҳсулот турларини ўзлаштириш, ишчиларга тўланаётган меҳнат ҳақини ошириш, бир сўз билан айтганда корхонанинг молиявий ва ижтимоий-иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш имконини берди. Биргина «Фурқат тумани ишонч» АЖга чет эл сармоядорлари томонидан юқори сифатли тўқимачилик дастгоҳларининг олиб келиниши пахта хом ашёсидан тайёрланган матоларни ишлаб чиқариш суръатларини ошишига олиб келди ҳамда 80% маҳсулотни экспорт қилишга имконият яратди. Бундан ташқари, Италиянинг «Сафех» компанияси «Кулол» АЖ акциялар пакетини сотиб олди ва корхона қайтадан жиҳозлаб, уни янада ривожланишига сабаб бўлди. Россиялик инвестор «РОСС-УЗ Мрамор» Мчжга Навоий вилоятидаги «Ўзғонмармар» ОАЖнинг 48.14 фоиз активлари маълум инвестететсия мажбуриятлари билан сотилди. Инвестететсия мажбуриятига технологик ускуналар, машиналар, бутловчи қисмлар, хом ашё, материаллар ва товарларни етказиш шаклида бажарилган⁶.

Давлат мулки ҳисобланган объектларни хусусийлаштириш тўлов характериға эға бўлганлиги, республика ва маҳаллий бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаси бўлди дейиш мумкин. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига жамият олдида турган молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни хал қилиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишға ёрдам беради. Умуман 1992-2003 йиллар мобайнида давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида 169,4 млрд. сўм маблағ олинган. Бюджетға тушаётган маблағларнинг асосий манбаи фонд бозорида хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини ҳамда кўчмас мулкни сотиш ҳисобланади. Уларға барча тушаётган маблағларнинг 95% тўғри келади. Тушаётган маблағларнинг катта қисми (54,7%) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Иқтисодиётнинг ўзак тармоқларида институтсионал ўзгаришларни амалға оширилиши, чет эл сармояларини жалб қилиниши, давлат тасарруфида бўлган иншоотларни сотишни янги механизмини (акция, корхона, устав жамғармасидаги улуши, мулк) жорий қилиниши мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

⁶ Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибға солиш механизмларини такомиллаштириш (хусусийлаштирилаётган корхоналар маълумотлари асосида) дис. ... канд. экон. наук : -Тошкент 2009. Б 102

хусусийлаштириш натижасида тушаётган маблағлар миқдори ва тезлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, 2003 йилда мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар миқдори 2002 йилга нисбатан 1,3 баробар ортди. Умуман ўтган давр мобайнида хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг ўсиш суръатлари ижобий кўринишга эга бўлиб, 2003 йилда 1992-1993 йилга нисбатан 28,8 баробар кўпайди. Хусусийлаштиришнинг тўртинчи босқичини амалга ошириш мобайнида 1998-2003 - йилларда 17836 та давлат об'ектлари хусусийлаштирилиб, улар асосида 16852 та нодавлат мулкидаги корхоналар ташкил этилган. Жумладан, ушбу корхоналарнинг 3667 таси (21,8%) акциядорлик жамиятлари, 10138 таси (60,2%) хусусий корхоналар, 3047 таси (18,1%) бошқа шаклдаги корхоналардан иборат. Бу даврда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми 167,3 млрд. сўмни ташкил этган.

References:

1. Беркинов Б.Б. Хусусийлаштириш босқичлари. // «Биржа» газетаси. – Тошкент, 2006. – №30.
2. Беркинов Б.Б., Хамрахуджаев Н.Я. Хусусийлаштиришнинг стратегик вазифалари ва уни амалга оширишнинг асосий натижалари. / Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида: Илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2007. – 185 б.
3. Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (хусусийлаштирилаётган корхоналар маълумотлари асосида) дис. ... канд. экон. наук : - Тошкент 2009. Б 102.
4. O'zbekiston iqtisodiyoti Tashkent "O'zbekiston" 2006 -Б.78